

## **ОРОЛ БҮЙИ ШАРОИТИДА ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ИХТИСОСЛАШУВИННИНГ ЗАРУРЛИГИ**

### **THE NEED FOR AGRICULTURE SPECIALIZATION IN ISLAND CONDITIONS**

Кдырбаева Гулан Утебаевна  
Kdirbaeva Gulan Utebaevna

Қарақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институтининг  
«Ер кадастри ва ердан фойдаланиш» кафедраси катта ўқитувчиси, мустақил  
изланувчи;

Реимов Nietbay Baynazarovich  
Reimov Nietbay Baynazarovich

илмий раҳбар, Қарақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари  
институтининг «Ер кадастри ва ердан фойдаланиш» кафедраси мудири,  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент. Турун Фанлар Академияси  
Академиги

#### **Кириш**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги ПҚ-4574  
сонли қарорида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда ер ва сув  
ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишни таъминлаш ҳамда  
атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, суғоришнинг сув тежовчи тизимларидан  
фойдаланиш вазифаси юклатилган.

Орол бўйи ҳудудида сунги йиллари сув танқислиги тез тез қайталаниб  
турганлиги учун бу ерда ерларнинг фаол фойдаланишдан чиқиб кетиши,  
қишлоқ хўжалиги ерларининг маълум қисмлари деградацияга учраб, қишлоқ  
хўжалиги фаол фойдаланишидан чиқиб, рекультивацияни талаб этмақда.

#### **Мавзунинг долзарблиги**

Дунё экспертларининг таҳлилларига қараганда Қарақалпоғистон  
Республикаси учун зарур бўлган сув эҳтиёжининг 1999-2001 чи йиллари 39-  
41% га, 2007-2010 чи йиллари 50-55% га ва сунги йиллари сув таъминати 54-  
58 % бўлиб, Оролга умуман сув тушмай қўйди. Дунё экспертларининг  
таҳминларига қараганда сув танқислиги келажакда яна да 15-17% га ортиб,  
сувсизлик йиллари куп қайталаниб, 2050 йилларга келиб ҳозирги булиб турган  
сув таъминати яна 5 марта кам бўлиши мумкин экан. Амударё бассейнидан сув  
олишга режалаштирилаётган Афғанистан канали қурилиб битказилса  
Амударёнинг сувининг учдан бир қисмини тортиб, сувсизлик хавфини яна да  
кучайтириши мумкин экан.



Ушбу шароитда Орол бўйида жойлашган Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ихтисослашуви масалаларини ечиш, дехқончилиқда сувни куп талаб қиладиган экинлар урнига сувни кам талаб қиладиган экинларни экиш, сувни тежовчи технологияларни қўлланиш ва такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги ерларининг сувни куп талаб қилмайдиган соҳа – чорвачиликни ривожлантиришни режалаштириш долзарб масалалардан хисобланади.

### **Масаланинг мазмуни**

Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегияси бандида курсатилгандак «...қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнингэкспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш...»<sup>1</sup> бўйича ишланиши зарур муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Орол ва Орол бўйидаги салбий жараёнларнинг олдини олиш, фаол тирикчилик мазмунини сақлаб қолиш учун Президентларимиз 1993-йил 28 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 48 сессиясида ва 1995-йил 24 октябрдаги 50-сессиясида ва 2017 БМТ Бош Ассамблеясининг 72 сессиясида бутун дунё ва Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари вакиллари жаҳон ҳамжамиятини Орол ва Оролбўйини қутқаришда кўмак беришга чақирган эдилар. Натижада 1996-йилда Ўзбекистон, Қозогистон, Тожикистон,

Қирғизистон ва Туркманистон таъсислигида ташкил етилган Оролни Қутқариш Халқаро Жамғармаси (ОҚХЖ) тузилиб, купгина фойдали қарорлар қабул қилинган эди.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг нинг 2017 йил 31 майдаги ПФ- 5065-сон «Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора- тадбирлари тўғрисида» Фармони, 2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199-сон «Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 10 октябрдаги ПҚ-3318-сон «Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга Мехнат тақсимотининг чукурлашиши ихтисослашиш даражасининг ошишига олиб келади. Қишлоқ хўжалигидаги ўзига хос хусусиятлар ихтисослашувда



ҳам намоён бўлади. Унда табиий, иқтисодий шарт-шароитлар, ишлаб чиқаришдаги мавсумийлик, қишлоқ хўжалигининг жуда катта ҳудудларда тарқалиши, айланма маблағларнинг айланиш тезлиги, чиқиндисиз технологияга ўтиш ва бошқа омиллар ҳисобга олинади. Ишлаб чиқаришнинг энг асосий ва қўшимча тармоқларини шакллантиришда уларни яхлит ҳолда олиш, кам меҳнат ва маблағ сарф қилган ҳолда кўпроқ товар маҳсулоти яратиш пировард мақсад ҳисобланади. Меҳнат тақсимоти таъсирида ишлаб чиқариш ихтисослашуви вужудга келади.

### **Тажрибанинг натижалари**

Қорақалпоғистон Республикасида сунги йиллари кузатилаётган сув танқислиги сабабли қишлоқ хўжалиги экинларидан режалаштирилган ҳосил олинмаябти. Масалан сув таъминати 39-40% га teng булган 2000-2001 йиллари асосий экинлар бири булган - ғўзанинг ҳосилдорлиги 12-13 ц/га га teng бўлиб, ҳатто ўз қаражатларини қопламаган. Мана шунинг учун ғўза экилиш майданлари Президентимиз ташаббуси билан Қорақалпоғистонда 30 минг гектарга камайтилиб, 4 та туман чорвачиликга ва ем хашак базасига ихтисослаштирилган. Сувни кам талаб қиласиган ўсимликлар – тарик, кунжут, кунгабоқар, беда ва жўхорини, сувни ўртacha талаб қиласиган ўсимликлар – кузги ва баҳори буғдой, беда, мева – сабзавот экинлари ва судан ўтини экиш режасига маълум даражада киритилгани ҳамда чорвачилик учун сув етарли даражада булганлиги сабабли Республикада экинзорлар (яшил ландшафт) майдани купайди. Ғўза майдани сув танқислигига мос камайтирилиб, сув маълум даражада етарли булган сунг ғўза ҳосилдорлиги 17,5 центнердан 22,3 центнергача ошди.

Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги шароитида сув танқислиги шароитида сувни кам талаб қиласиган – тарик, кунжут, жўхори, беда ва сувни куп талаб қиласиган экинлар – шоли, буғдай, ғўза ва овошъ баҳча экинларидан – помидор) экинларининг хўжаликда экишдаги иқтисодий самарадорликни ҳисоблаб кўрганимизда қўйидагилар маълум бўлди.

Қорақалпоғистон Республикаси шароитида пахта ҳосилини етиштиришда ҳисоб китоблар ва баҳолар 2022 йил 1 январ ҳолатига ҳисобланганда ҳосилдорлик ўртacha 22 ц/га бўлганида, умумий олинган ҳосил 2,2 т/га бўлди ва ўнинг ўртacha сотилиш баҳоси 6200,0 сўм/кг га teng бўлиб, кутиладиган даромад 13640,0 минг сўмга teng бўлиб, ушбу ҳосилни олиш учун ўртacha йиллик талаб қилинадиган сув миқдори 9,50 минг кубга teng бўлди.

Орол бўйида жойлашган Қорақалпоғистон Республикаси шароитида буғдой етиштиришда ҳосилдорлик ўртacha 32 ц/га бўлганида, умумий олинган ҳосил 3,20 т/га бўлди ва ўнинг ўртacha сотилиш баҳоси 2500,0 сўм/кг га teng бўлиб, кутиладиган даромад 8000,0 минг сўмга teng бўлиб, ушбу ҳосилни олиш учун ўртacha йиллик талаб қилинадиган сув миқдори 7,70 минг кубга teng бўлди.



Қарақалпоғистонда шоли етиштиришда ҳосилдорлик ўртача 45 ц/га бўлганида, умумий олинган ҳосил 4,50 тонна бўлди ва ўнинг ўртача сотилиш баҳоси 2500,0 сўм/кг га тенг бўлиб, кутиладиган даромад 11250 минг сўмга тенг бўлиб, лекин ушбу ҳосилни олиш учун ўртача йиллик талаб қилинадиган сув миқдори гектарига 24,6 минг кубга тенг бўлди.

Қарақалпоғистонда бахча-полиз экинларидан помидор етиштиришда ҳисоб китоблар ва баҳолар 2022 йил 1 январ ҳолатига ҳисобланганда ҳосилдорлик ўртача 200,0 ц/га бўлганида, умумий олинган ҳосил 20 тонна/га бўлди ва ўнинг ўртача сотилиш баҳоси 800,0 сўм/кг га тенг бўлганда, кутиладиган даромад 16000 минг сўм/гектаргага тенг бўлиб ва ушбу ҳосилни олиш учун ўртача йиллик талаб қилинадиган сув миқдори гектарига 12,5 минг кубга тенг бўлди.

Қарақалпоғистонда дон учун жўхори ҳосилини етиштиришда ҳисоб китоблар ва баҳолар 2022 йил 1 январ ҳолатига ҳисобланганда ҳосилдорлик ўртача 35 ц/га бўлганида, умумий олинган ҳосил 3,5 т/га бўлди ва ўнинг донинг ўртача сотилиш баҳоси 3500 сўм/кг ва поя ҳосили 180 ц/га га туғра келиб, гектаридан 18 тонна поя ҳосили олинганда ва 600 сўмдан сотилганда га сўм бўлганда га тенг бўлганда, кутиладиган даромад 23050,0 минг сўм/гектарга тенг бўлиб ва ушбу ҳосилни олиш учун ўртача йиллик талаб қилинадиган сув миқдори гектарига 5,4 минг кубга тенг бўлди.

Қарақалпоғистонда пичан учун беда ҳосилини етиштиришда ҳисоб китоблар ва баҳолар 2022 йил 1 январ ҳолатига ҳисобланганда ҳосилдорлик ўртача 75 ц/га бўлганида, умумий олинган ҳосил 7,5 т/га бўлди ва ўнинг донинг ўртача сотилиш баҳоси 2000 сўм/кг бўлганда кутиладиган даромад 15000,0 минг сўм/гектарга тенг бўлиб ва ушбу ҳосилни олиш учун ўртача йиллик талаб қилинадиган сув миқдори гектарига 5,6 минг кубга тенг бўлди.

Қарақалпоғистонда кунжут ҳосилини етиштиришда ҳисоб китоблар ва баҳолар 2022 йил 1 январ ҳолатига ҳисобланганда ҳосилдорлик ўртача 15 ц/га бўлганида, умумий олинган ҳосил 1,5 т/га бўлди ва ўнинг донинг ўртача сотилиш баҳоси 9500 сўм/кг бўлганда кутиладиган даромад 142500,0 минг сўм/гектарга тенг бўлиб ва ушбу ҳосилни олиш учун ўртача йиллик талаб қилинадиган сув миқдори гектарига 4,2 минг кубга тенг бўлди.

Қарақалпоғистонда тариқ ҳосилини етиштиришда ҳисоб китоблар ва баҳолар 2022 йил 1 январ ҳолатига ҳисобланганда ҳосилдорлик ўртача 15 ц/га бўлганида, умумий олинган ҳосил 1,5 т/га бўлди ва ўнинг донинг ўртача сотилиш баҳоси 6500 сўм/кг бўлганда, кутиладиган даромад 9750,0 минг сўм/гектарга тенг бўлиб ва ушбу ҳосилни олиш учун ўртача йиллик талаб қилинадиган сув миқдори гектарига 3,6 минг кубга тенг бўлди.

## **Хуносалар**

Қарақалпоғистон Республикасида бурундан дастурий экилиб келаётган ғўза монокультураси Республикада сув етишмовчилиги бошланган йиллардан



бошлаб самарали соҳа булишдан орқада қолди. Иқтисодчилар ва дунё эксперtlари таҳлилича 1 гектар ерда экилган ғўздан олинган даромадга нисбатан узумдан олиндиган доход 7 борабар куп булар экан. Ҳозирги вақтда Қорақалпоғистонда сув танқислиги хуким суриб турган вақтда экинлардан ҳосил етишириш учун зарур буладиган сув меёrlарини ҳисоблаганимизда пахтага 9,5 минг куб, буғдойга 7,7 минг куб, шолига 24,6 минг куб ва овош полиз экинларидан помидорга 12,5 минг куб зарур буладиган булса, сувни кам талаб қиласиган экинлардан- жўхорига 5,4 минг куб, бедага 5,6 минг куб, кунжутга 4,2 минг куб ва тариқга 3,6 минг куб ишлатилишини тадқиқот мобайнида аникланди. Ёки бошқача айтганда 1 гектар шоли устириш учун ишлатиладиган сув ҳисобидан 7 гектар тариқ, 6 гектар кунжут, 4,4 гектар беда ёки 4,6 гектар ерга жўхори ўстириш мумкинлиги ҳисоблаб чиқилди.

Пахта монокультурасида барча агротехниковий тадбирлар тегишли тартибда, тулиқ уtkазилганинда жами олинган даромад 13 миллион 640 минг сўм булган булса, сувни кам талаб қиласиган жўхори устирилганида 23 миллион 50 минг сўм даромад олинган, яъни пахта устиришга нисбатан 9 миллион 400 минг сўм, беда устиришда 1 миллион 360 минг сўм, кунжут устирилганида 610 минг сўм зиёд фойда олиниши илмий жиҳотдан ўз исботини топди.

Агар сувни куп талаб этадиган 4 турли экинлар – пахта, буғдой, шоли ва овош полиз экинларини экишдан олинадиган жами даромад 32 миллион 890 минг сум даромад олиниши ва уларга ишлатиладиган сугориш суви жами 41,8 минг куб, жумладан 6,9 минг куб сув шўр ювишга ва 34,9 минг куб сув экинларни парваришилаш давридаги сугоришга ишлатиладиган булса, сувни кам талаб қиласиган экинларнинг 4 тури – жўхори, кунжут, тариқ ва беда устиришда 62 миллион 50 минг сум даромад олиниши ва ва уларга ишлатиладиган сугориш суви жами 18,8 минг куб, жумладан 4,6 минг куб сув шўр ювишга ва 14,2 минг куб сув экинларни парваришилаш давридаги сугоришга ишлатилиши математик-статистик ҳисоблавлар натижасида аникланди. Демак, сувни куп талаб қиласиган экинларни устиришга нисбатан сувни кам талаб қиласиган экинлардан 23 минг куб сув тежалиб ва сувни куп талаб қиласиган экинларни устиришга нисбатан сувни кам талаб қиласиган экинлардан 29 миллион 160 минг сўм зиёд даромад олинишини бизнинг тадқиқот ишимиздаги ҳисоб китоблар орқали далилланди.

Қорақалпоғистон Республикаси шароитида ихтисослашувни такомиллаштиришда ва пахтачиликдан чорвачиликга йўналтиришда, сувни куп талаб қиласиган экинлар-пахта, буғдой, шоли ва овош полиз экинларидан олинадиган жами даромад 32 миллион 890 минг сум булса, чорвачиликдан олиадиган соф фойда 124 миллион 325 минг сўм даромад олиниб, ҳозирги дастурий экилаётган сувни куп талаб қиласиган экинларга ихтисослашувига нисбатан 91 миллион 435 минг сўм зиёд фойда олиниши диссертация тадқиқотлари орқали далилланди.



Республика шароитида ўтказилган илмий тадқиқотлар натижасида Қорақалпоғистон Республикасидаги сув танқислиги шароитида ихтисослашув масалаларини таҳлиллаш орқали сув севар ўсимликлар - пахта, шоли ва бошқа да сувни қуп талаб қиласиган экинлар урнига сувни кам талаб қиласиган жухори, кунжут, тариқ ва беда майдонларини купайтириш билан Республиkaning маълум майдонларини чорвачиликга ихтисослаштириш мақсадга мувофиқ.

Олинган хисоб китоблар натижаларига қараганда пахта экилганда жами олинган даромад 13 миллион 640 минг сўм булган булса, сувни кам талаб қиласиган экинлардан жўхори устирилганида 23 миллион 50 минг сўм даромад олинган, яъни пахта устиришга нисбатан 9 миллион 400 минг сўм, беда устиришда 1 миллион 360 минг сўм, кунжут устирилганида 610 минг сўм купроқ фойда олинди.

Сувни қуп талаб этадиган экинлар – пахта, буғдой, шоли ва овош полиз экинларини экишдан олинадиган жами даромад 32 миллион 890 минг сум даромад олинган булса ва сувни кам талаб қиласиган экинлардан – жўхори, кунжут, тариқ ва беда устиришда 62 миллион 50 минг сум даромад олинди. Сувни қуп талаб қиласиган экинларни устиришга нисбатан сувни кам талаб қиласиган экинлардан 29 миллион 160 минг сўм зиёд даромад олиниши бизнинг тадқиқот ишимиздаги хисоб китоблар орқали далилланди.

Сувни қуп талаб қиласиган экинлар-пахта, шоли, буғдой ва овош полиз экинларига ишлатиладиган суғориш суви жами 41,8 минг куб булган булса, сувни кам талаб қиласиган экинлар – жухори, тори, кунжут ва бедани устиришга ишлатиладиган суғориш суви жами 18,8 минг куб булиб 23,0 минг кубометр сув тежалишини бизнинг илмий тадқиқотларимиздаги хисоб китоблар далиллади.

5. Қорақалпоғистон Республикаси шароитида ихтисослашувни пахтачиликдан чорвачиликга йўналтиришда, сувни қуп талаб қиласиган экинлар-пахта, буғдой, шоли ва овош полиз экинларидан олинадиган жами даромад 32 миллион 890 минг сум булса, чорвачиликдан олиадиган соф фойда 124 миллион 325 минг сўм даромад олиниб, ҳозирги дастурий экилаётган сувни қуп талаб қиласиган экинларга ихтисослашувига нисбатан 91 миллион 435 минг сўм зиёд фойда олиниши тадқиқотлар орқали далилланди.

## **Тавсиялар**

1. Қорақалпоғистон Республикасидаги сув танқислиги шароитида ихтисослашув масалаларини таҳлиллаш орқали сув севар ўсимликлар - пахта, шоли ва бошқа да сувни қуп талаб қиласиган экинлар урнига сувни кам талаб қиласиган жухори, кунжут, тариқ ва беда майдонларини купайтириш билан Республиkaning маълум майдонларини чорвачиликга ихтисослаштириш мақсадга мувофиқ.



2. Бир гектар (1 га) шоли етиштириш учун ишлатиладиган сув ҳисобидан 7 га тариқ, 6 га кунжут, 4,4 га беда ёки 4,6 га жўхори етиштириш мумкин.
3. Қишлоқ ва сув хўжалигини моддий техник базасини кучайтириш зарур.
4. Қишлоқ хўжалигининг ноананавий соҳаларни (асаларичилик, балиқчилик ва б.х.) ривожлантириш зарур.
5. Сув танқислиги шароитида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш учун ихтисослашувнинг жойнинг сув таъминатига қараб олиб борилиши лозим.
6. Дунё эксперtlари таҳлилларига асосан 2050 йилларга келиб сув таъминати яна да 15-17 % га камайиши қутилаётган шароитда Орол бўйидаги Қорақалпоғистон Республикасида ғўза ва шоли экинлари майдонларини 50 % га камайтиб, ўрнига дехқончиликда сувни кам талаб қиласидиган ва озиқ овқатлик экинларни экиш ва чорвачилик ҳажмини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.
7. Сувни куп талаб этадиган экинлар – пахта, буғдой, шоли ва овош полиз экинларини экишдан олинадиган жами даромад 32 миллион 890 минг сум даромад олинган булса ва сувни кам талаб қиласидиган экинлардан - жўхори, кунжут, тариқ ва беда устиришда 62 миллион 50 минг сум даромад олинди. Сувни куп талаб қиласидиган экинлар урнига сувни кам талаб қиласидиган экинлардан 29 миллион 160 минг сўм зиёд даромад олинди.
8. Сувни куп талаб қиласидиган экинлар-пахта, шоли, буғдой ва овош полиз экинларига ишлатиладиган суғориш суви жами 41,8 минг куб булган булса, сувни кам талаб қиласидиган экинлар – жухори, тори, кунжут ва бедани устиришга ишлатиладиган суғориш суви жами 18,8 минг куб булиб 23,0 минг кубометр сув тежалишини бизнинг илмий тадқиқотларимизда исботланди.
9. Қорақалпоғистон Республикасида тадқиқот йиллари сувни куп талаб этадиган ва майданлари қисқарган пахта, шоли ва бошқа да сув севар ўсимликлар урнида 1 га шоли етиштириш учун ишлатиладиган сув ҳисобидан 7 га тариқ, 6 га кунжут, 4,4 га беда ёки 4,6 га жўхори етиштириш мумкин булганлиги сабабли кам сув талаб қиласидиган қишлоқ хўжалиги экинлари – жухори, кунжут, тариқ ва беда экинларининг майдонларини кенгайтиришни таклиф этамиз.
10. Қорақалпоғистон Республикаси шароитида ихтисослашувни пахтачиликдан чорвачиликга йўналтиришда, сувни куп талаб қиласидиган экинлар-пахта, буғдой, шоли ва овош полиз экинларидан олинадиган жами даромад 32 миллион 890 минг сум булса, чорвачиликдан олинадиган соғ фойда 124 миллион 325 минг сўм даромад олиниб, ҳозирги дастурий экилаётган сувни куп талаб қиласидиган экинлар ўрнига сувни кам талаб қиласидиган экинлар ҳамда чорвачиликга ихтисослашув ҳисобига 91 миллион 435 минг сўм зиёд фойда олиниши тадқиқотлар орқали ўз исботини топди.

